

ЁШЛАР ВАТАНПАРВАРЛИГИ - ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИ

*Пармонов Акмал Ортиқбоевич,
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Жиззах минтақавий ўқув маркази
тарбиявий ва психологик бўлинмаси бошлиғи, майор.
Аннотация*

Мақолада ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласининг долзарблиги, давлат сиёсати марказида турганлиги, бу борада олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим жиҳатлари ҳамда глобаллашув жараёнида ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг анъанавий ва замонавий усуллари ёритилган.

Таянч иборалар: ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, давлат сиёсати, ёшлар, ислохот, ҳаракатлар стратегияси, ёшлар иттифоқи, ҳарбий-маъмурий сектор, глобализация, ахлоқ, анъанавий ва замонавий усуллар.

В статье рассмотрены актуальность воспитания молодежи в духе военного патриотизма, внимание к данному вопросу в государственной политике, важные аспекты проводимых в данной сфере реформ, а также традиционные и современные способы формирования у молодежи морали военного патриотизма с учетом современного процесса глобализации.

Ключевые слова: воспитание в духе военного патриотизма, государственная политика, молодежь, реформа, стратегия действий, союз молодежи, военно-административный сектор, глобализация, мораль, традиционные и современные способы.

This article explores issues of educating youth in the spirit of patriotism and its essence in the state policy, significance of reforms being conducted in the state as well as traditional and modern ways of forming youth's military patriotic behaviour.

Key words: educating in the spirit of patriotism, state policy, youth, reforms, Strategy directions, Youth's union, military-administrative sector, globalization, morale, traditional and modern methods.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3898-сонли қарори ижроси юзасидан ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясининг қабул қилингани, армия ва халқ бирлигини таъминлаш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликдаги ишларнинг кучайтирилгани миллий армиямиз сафларини мустаҳкам ирода, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ёшлар билан тўлдириб бориш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларига ҳаётий ва профессионал кўникмаларни илм-маърифат

асосида сингдириш, мамлакатимиз ҳаётидаги реал ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда уларнинг билимларини ошириб бориш, ён-атроф ва жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашиш, ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида “Халқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдидлар тобора кучайиб бораётганини ҳисобга олиб, биз янги Мудофаа доктринасини қабул қилдик”, – дея фикр билдирди. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси Мудофаа сиёсатининг негизини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясида ҳарбий хизматчиларнинг маънавий савияси ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ҳамда бой маданиятимиз, азалий қадриятлар ва анъаналаримизга асосланган дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган ягона тизимини яратиш, ҳарбий хизматчиларнинг онгу тафаккурига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини, миллий армиямиз билан фахрланиш, давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун масъулият туйғусини чуқур сингдириш, ҳарбий хизматчиларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини тизимли ва изчил равишда етказиш ҳамда дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларига нисбатан уларда онгли муносабат ва фаол ҳаётий позициясини шакллантириш, бурчга садоқат, масъулият, фидойиликни ошириш, миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш, Ватан озодлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган буюк аجدодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли ҳаётини кенг тарғиб этишни тизимли асосда йўлга қўйиш белгилаб олинган.

Шунга кўра, ҳарбий хизматчиларда “Ўзбекистон халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!” деган ҳаётий эътиқодни қарор топтириш, диннинг асл мазмун-моҳиятини теран очиб бериш орқали ҳарбий хизматчиларга эзгулик ва раҳмдиллик анъаналарини сингдириш, инсонпарварлик ва меҳр-оқибат муносабатларини ривожлантириш ҳамда уларни миллий маданиятимиз ва қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром, фидойилик ва садоқат, ҳалоллик ва поклик, мустақил фикр ва соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ватан равнақи ғояси Ватанга дахлдорлик ҳисси мазмунини, ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирувчи, уни халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга ундовчи бунёдкор ғоядир. У миллий истиқлолнинг олий мақсади Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларнинг эл-юрт қамоли билан боғлиқ орзу-умидларини амалга оширишни ифодалайди. Ватанни ардоқлаш, эъзозлаш ва унга хизмат қилиш Конституциямизнинг 52-моддасида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар

қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар” [1].

Ҳар қандай давлат ўз истиқболини соғлом ва баркамол авлод тимсолида кўради. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнини, кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат қуришдек эзгу мақсадлар рўёбини ёшлар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ёшларни замон талаблари даражасида таълим–тарбия олиши, ватанпарвар бўлиши, шу азиз Ватанга дахлдорлик ҳиссини кучайтириши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз кучи, билим ва салоҳиятини юқори, дунёқараши кенг, мустақил фикрлайдиган авлодни вояга етказиш ва тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича узлуксиз олиб бориладиган ишлар биз учун долзарб аҳамиятга эгадир. Ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади” [2].

Аксарият ривожланган мамлакатларда фуқароларнинг ватанпарварлик тарбияси бўйича давлат дастурлари, ҳарбий ватанпарварлик тарбияси самарадорлигини ошириш концепциялари қабул қилинган, ёшларнинг ватанпарварлик борасидаги тарбияси билан шуғулланувчи ва давлат томонидан молиявий кўмак берилувчи кўплаб жамоатчилик асосидаги фахрийлар ва жамоатчилик ташкилотлари ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан мамлакатимиз ҳарбий соҳадаги давлат сиёсати, Қуролли Кучларимизнинг мудофаа салоҳиятини ошириш борасида ислохотларнинг янги босқичи бошлаб берилди. Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони ҳарбий хизматчилар билан суҳбатлашиб, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитар экан, соҳада кўп йиллар давомида йиғилиб қолган жиддий, тизимли муаммоларни ҳам кўрсатиб ўтиб, “Булар – кадрлар масаласи, кўшинларни замонавий қурол-яроғлар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга тааллуқли муаммолардир”, деб таъкидлаган[3].

Шу билан бирга, ёшларда Ватанга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 140-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепция”си қабул қилинди. Концепциянинг 2-боб 6-бандида ёшларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканлигини сингдириш, қадимий тарихимиз ва маданиятимиз, жонажон Ватанимизнинг мустақиллиги ва равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш, миллий армиямизнинг қудратини ва салоҳиятига бўлган ишончни кучайтириш масаласи кўриб чиқилган[4].

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан зиёдини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бу эса 2016 йилнинг 14 сентябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуннинг муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади. Ёшлар масаласида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, 2017 йил 30 июнь куни Давлатимиз раҳбарининг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги “Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир” номли нутқидан сўнг бу соҳада катта ўзгаришлар бошлаб юборилди. “Камолот” ЁИХ тугатилиб, “Ёшлар иттифоқи” ташкилоти ташкил этилди ва низомлари тасдиқланди. Юртимизда 30 июнь - Ёшлар куни деб эълон қилинди. Президентимиз ушбу нутқидан “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи давлат ва жамият учун раҳбар кадрларни тайёрлаб берадиган ўзига хос марказ бўлиши, замонавий тилда айтадиган бўлсак, ёшлар учун “социал лифт” вазифасини бажариши керак. У билимли, ташаббускор ва ташкилотчи, фидойи ёш раҳбарларнинг кадрлар захирасини яратиши керак”, деб алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, Президентимиз юртимизда ёшларга ҳарбий таълим-тарбия берадиган курсантлар мактабларига “Темурбеклар мактаби” деб ном бериш, турли соҳа ва тармоқларда катта натижаларга эришиб келаётган йигитлар учун “Мард ўғлонлар” номли Давлат мукофотини, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда, ўқишда, меҳнатда, жамоат ишларида ҳар томонлама фаол бўлган йигит-қизларимизни тақдирлаш мақсадида “Келажак бунёдкори” медалини таъсис этиш таклифини ҳам берган эдилар[5].

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, 2017 йил 5 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли Фармонида янги ташкил этилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мамлакат ёшларининг барча тоифа ва гуруҳларини қамраб олиши, уларни демократик принциплар асосида бирлаштириши, унинг ҳуқуқий мақоми, асосий мақсад ва вазифалари, унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва нуфузини, обрў-эътиборини ошириш ҳамда тегишли имтиёзларга алоҳида эътибор қаратилди[6]. Айниқса, ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини мустаҳкамлаш мақсадида юқорида Президентимиз томонидан таклиф этилган ҳарбий таълим-тарбия берадиган жойларда “Темурбеклар мактаби” ташкил этилди, турли соҳа ва тармоқларда юқори натижаларга эришиб келаётган йигитлар учун “Мард ўғлон” номли Давлат мукофоти ва ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда, ўқишда, меҳнатда, жамоат ишларида ҳар томонлама фаол бўлган йигит-қизларни тақдирлаш мақсадида “Келажак бунёдкори” медали таъсис этилди. Бугунги кунда Ёшлар Иттифоқининг 14 та ҳудудий кенгашлари ва 196 та туман (шаҳар) кенгашлар фаолият кўрсатмоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш» деб номланган алоҳида банд акс эттирилди ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишларидан бирининг таркибида ўз ифодасини топди. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида

Президентимиз ташаббуси билан ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди. Бунда жойлардаги Мудофаа ишлари бўлимлари ижроия ҳокимияти вакиллари билан ҳамкорликда ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда амалий ишлар олиб бормоқда. Ҳозирги глобаллашув жараёни ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг анъанавий ва замонавий усулларида самарали фойдаланишни тақозо этади.

Булар қуйидаги усуллардан иборат:

1. Тарғибот усули. Ватанпарварликнинг тарбиявий-ахлоқий мазмуни ва бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган жараёнларнинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги-янги қирраларини мукамал очиб беришдан иборат. Шу боис ҳарбий ватанпарварлик туйғусини ёшларга содда, лўнда қилиб тушунтириб бериш, уларни янги ҳаёт, замон талабларига жавоб берадиган жамият қурилишининг фаол ва жўшқин иштирокчиларига айлантиришдан иборат.

2. Жамоавийлик усули. Бугунги кунда Қуролли Кучларимизнинг умумий жанговар шайлиги бирлашма, қўшилма, қисм ва бўлинмаларнинг жанговар шайлиги даражаси билан белгиланади. Ҳарбий бўлинмалар ўз ички тузилмасига кўра, фаолият юритиши қатъий белгиланган ижтимоий гуруҳни ифодалаб, ҳарбий хизматчиларнинг умумий мажбуриятлари ва улар ўртасидаги хизмат муносабатлари, ички тартиб-қоидалари, мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари, кундалик ҳамда маиший шароитлар, ҳарбий хизматчиларни ишга жойлаштириш, ички хизматни олиб бориш масалалари Интизом ҳамда Ички хизмат Низомларининг асосий ҳолатларида қатъий белгилаб берилган.

3. Анъанавийлик усули. Ҳарбий анъана армияда ҳарбий хизмат жараёни жанговар вазифаларни бажариш, шахсий таркибни тайёрлаш, ҳарбий хизматчиларнинг кундалик турмуши билан боғлиқ бўлган, тарихан шаклланган, авлоддан авлодга ўтувчи ғоя, қоида, урфодат, хулқ-атвор меъёрларида намоён бўлади. Қуролли Кучларда ҳарбий анъаналар тизими ҳарбий фаолиятнинг асосий уч соҳасини: жанговар анъаналар; ҳарбий турмуш анъаналари; таълим-тарбиявий анъаналарни қамраб олади.

4. Қадриятлар устуворлиги усули. Ҳарбий хизматчиларда миллий қадриятларга, илғор анъаналарга, ахлоқий тамойилларга, юксак маданиятга содиқлик каби инсоний фазилатларни ҳосил қилмасдан туриб ватанпарварлик туйғусини шакллантириб бўлмайди. Чунки Ўзбекистоннинг қарийб 27 йиллик мустақил тараққиёт йўлига назар ташланса, ватанпарварликни рўёбга чиқариш, мард ва жасур авлодни вояга етказишга оид кенг кўламли ишлар амалга оширилганини кўриш мумкин. Ўзбекистонда барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг асосий мақсади ҳам Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига бефарқ бўлмаган авлодни шакллантиришдан иборат. Бунда миллий ва умуминсоний қадриятлар прагматик асос бўлиб хизмат қилади.

5. Замонавийлик усули. Қийинчиликлар, тўсиқлар, номутаносибликлар, ҳатто жиноий ҳаракатларнинг ошиб бориши ҳам соф виждонли киши қалбида Ватан туйғусини, агар у чуқур эътиқодга айланган бўлса, ўчиролмайди. Ранг-баранг мақсад ва манфаатларга эга ижтимоий гуруҳлар мавжуд экан, умуммақсадни турлича, гоҳо бир-бирига зид тарзда идрок этиш ҳам сақланиб қолади. Янги-янги авлодларнинг туғилиши, ҳаёт сахнасида чиқиши жамият олдида янги-янги

муаммоларни кўндаланг кўяверади; айнан ушбу узлуксизлик, тадрижийлик ижтимоий ҳаётнинг ҳам узлуксиз, тадрижий давом этишини таъминлайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ёшларда Ватанга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, Ватанни севиш ва асраш туйғуларини шакллантириш ахлоқий эҳтиёжга айланди. Бугунги кунда бу давлат сиёсати марказида туради. Бу эҳтиёжни эса маънавий-ахлоқий мерос воситасида қондириш самарали натижа бериши яққол намоён бўлмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда, ватанпарварлик халқимизнинг азалий қадриятларидан ҳисобланади. У меҳр-оқибат, Ватан тақдири учун қайғуриш, ташвиш ва фалокатларга ҳамдардлик каби ахлоқий фазилатлар сирасига киради. Айниқса, ҳарбий ватанпарварлик умумхалқ, умуммиллий ватанпарварликнинг алоҳида тури ва ажралмас бўлагидир. Ҳарбий ватанпарварлик ғояларини ёшлар қалбига сингдириш Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатида яна ҳам муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси –Тошкент, Ўзбекистон, 2017, -Б. 18.

2. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. 247 (6741)-сони. – 2017. 7 декабрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 3-сони. - 2017 йил. 10 январь.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февраль куни тасдиқланган “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепция” Ватанпарвар газетасининг № 9 (2760) – сони, 2018 йил 2 март.

5. Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир // www.president.uz. 6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ5106-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 27- сони.